



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KONGRESS PALATASI
INV. №

АДОЛАТ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам ривожланиб ва мустақамланиб бораверишига умид билдирарман.

Муҳаммад ХУСНИЙ МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси ПрезидентиБИСМИЛЛОҲИ РАҲМОНИР РАҲИМ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Сизни, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини янги муддатга Президент этиб сайланганлигингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Сиз, Жаноби Олийлари Президентлигининг янги даврида икки мамлакат раҳбарлари ўртасида янада кучли ҳам-жиҳатли бўлиши, дўст ва биродар Ўзбекистон мамлакатини сиёсий-иқтисодий барқарорлиги жараёнининг давом этиши ҳамда Эрон Ислон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқалар янада ривожланиб боришининг шохиди бўламиз, дея умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига бахт-саодат ҳамда янада юксак фаровонлик тилаб қоламан.

Маҳмуд АХМАДИНЕЖОД,
Эрон Ислон Республикаси ПрезидентиЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан шахсан ўз номидан ва Туркия халқи номидан самимий табрикларимни.

Ўзбекистон билан мустаҳкам алоқаларимиз теран қардошлик ришталари, умумий тарих, тил ва маданий қадриятларга асосланган бўлиб, буларнинг барчаси ўзаро муносабатларимизнинг келажакдаги ривожини таъминлайди.

Шу муносабат билан яқин истиқболда икки томонлама муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатдорлик асосида ривожланиб, биргаликдаги сий-ҳаракатларимиз туфайли янги босқичга кўтарилишига умид қиламан.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиз-хат-саломатлик, бахт-саодат, масъулиятли Президентлик фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса бахт, омад ва фаровонлик тилайман.

Абдуллох ГУЛ,
Туркия Республикаси Президенти

(Давоми 2-бетда)

ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган
Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига 28 декабрда икки йил тўлди

Мустақиллик майдони Ватанимизнинг юрагидир. Юртдошларимизнинг, мамлакатимиз меҳмонларининг бу муқаддас масканни зиёрат қилишида чуқур рамзи маъно бор. Зеро, бу майдон аждодаларимиз асрлар мобайлида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги аждодаларга насиб этган энг улғу, энг азиз неъмат — Истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга берган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муазам майдон тисолида нафақат тасаввур қиламиз, балки юракдан астойдил ҳис этишимиз.

(Давоми 2-бетда)

Сўз — халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ИСЛОХОТЛАР ДАВОМИЙЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

Аккан СУВЕР, “Мармара
групп” фонди президенти
(Туркия):

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган 300 нафарга яқин кузатувчи қатори мен ҳам юртингизда 23 декабрь куни ўтган Президент сайлови жараёнини диққат билан кузатдим. Самарқандда қайси сайлов участкасига бормай, уларнинг қонунийлик, ошқоралик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритаётганининг гувоҳи бўлдим.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик миллий қонунчилик, халқаро нормалар ва андозаларга мос равишда ўтди, деб қарайман. Самарқанддаги қайси сайлов участкасига бормай, уларнинг қонунийлик, ошқоралик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритаётганининг гувоҳи бўлдим.

Ситалари, техник жиҳозлар, сайлов қонунчилиги меъёрларига оид адабиётлар билан таъминланган эди. Самарқанд шаҳри ва Пайарик туманидаги бир неча сайлов участкасига бўлганимизда сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари билан ҳам суҳбатлашдим. Улардан овоз бераётган сайловчилардан ва сайловчи кузатувчилардан ҳеч қандай эътироз ёки шикоят эшитмадим.

(Давоми 2-бетда)

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДНИ САЙЛАДИ

23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 23 декабрь куни ўтказилган сайловнинг дастлабки яқунларига бағишланган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизнинг янги тарихи, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда тарихий босқич бўлганини таъкидлади.

Сайлов халқнинг хоҳиширода билдириши, сиёсий ҳаёт, давлат ва жамият бошқаруви, давлат ҳокимиятини шакллантиришда беэвоситали иштирок этишининг асосий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари мамлакатимизда сайловни демократик, очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказишнинг кафолатидир. Сайлов муқобил асосда мамлакатимиз Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган демократик тамойилларга тўла мувофиқ тарзда ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодлар иштирок этди.

Қонунга мувофиқ Президентликка кўрсатилган ном-

зодларга сайлов кампаниясини ўтказиш, сайловчилар билан учрашиш, сайловолди ташкилотда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди.

Оқрув ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритгани сайловнинг демократлиги ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлади. Барча 8266 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютер ва ортжектлар, сайлов қонунчилиги меъёрларига оид адабиётлар билан таъминланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оқрув ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Сайловчилар, аввало, биринчи марта овоз бераётган сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида сайлов комиссиялари томонидан кўплаб учрашувлар, семинарлар, жумладан, телевидение ва босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Шунингдек, сайлов жараёнининг қарийб 23 минг 300 нафар кузатувчи иштирокида кузатиб борилиши ҳам сайловнинг очик ва ошқоралигини таъминлади. Бешта халқаро олий ўқув юрталари жамоатчилиги, ёшлар билан учрашувлар ташкил этди. Бундан ташқари, бу орда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун матбуот анжуманлари, брифинглар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов брифинг қатнашчиларига сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши ёки рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки яқунларига кўра, Ислон Каримов 13 миллион 8 минг 357 овоз ёки сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизини олди. Аслиддин Рустамов 468 минг 64 овоз — овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, Акмал Саидов 420 минг 815 овоз — 2,85 фоизи, Дилором Тошмуҳамедова 434 минг 111 овоз — 2,94 фоизи миқдорда овозга эга бўлди. Бунда бюллетенларнинг 2,94 фоизи ҳақиқий эмас, деб топилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси айни пайтда Марказий сайлов комиссияси оқрув сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқётганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси иштирокида қарор қабул қилиш ва сайлов яқунларини матбуотда эълон қилиш учун яна 10 кун вақт бор. Шу муддат ичида оқрув сайлов комиссиялари-

нинг ҳар бир протоколи, ҳужжати яна бир марта синчковлик билан текширилади. Марказий сайлов комиссияси зарурат туғилган тақдирда айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини ҳам текширади ва шундан сўнг қарор қабул қилади.

Брифингда овоз бериш давомида Марказий сайлов комиссиясига сайлов қонунчилиги бузилгани ҳақида шикоят ва аризалар тушмагани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилиги мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунларига ҳақидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юксак ташкилий савияда миллий сайлов қонунчилиги, демократия, очиклик ва ошқоралик каби халқаро тамойилларга мувофиқ ўтгани таъкидланди. Сайловчиларнинг юксак даражадаги фаоллиги Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ва ҳуқуқий етуқлиги ошгани, мамлакат келажиги, янада равақ топиши айнан улар қабул қилган қарорга боғлиқлигини теран англашининг ифодасидир. Мустақил Ўзбекистон халқи Ватан равақи, ўзининг эзгу орзу-умидлари, осуда ҳаёти ва фаровонлиги учун овоз берди.

Анна ИВАНОВА,
Ғулом МИРЗАЕВ,
Ўза мухбирлари

Фракция йиғилиши

ТИЗИМ ТАКОМИЛИ УЧУН ЯНГИ ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция йиғилишида қўйи палата депутатлари, партия фаоллари, Олий ва ўрта махсус касб-хунар ҳамда Халқ таълими вазирликлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова бошқарган йиғилишда ялпи мажлис кун тартибига биринчи ўқишда киритилаётган янги тахрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ таълим тизimini ривожлантиришга, ёш авлодга замон талаблари даражасида таълим-тарбия, билим бериш ҳамда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бироқ бугунги шиддаткор давр таълим тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асоси ҳисобланган, бундан ўн йил аввал қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунни бирмунча такомиллаштиришни тақозо этаётди. Хусусан, амалдаги қонунда таълим жараёнини ташкил қилишга қўйилган талаблар, таълим-тарбия субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий кафолатлари, ўқувчи ва тарбияланувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш каби масалалар ўз аксини топмаган. Қолаверса, қонуннинг аксарият моддалари ҳавола қилиш ҳусу-сиятига эгаки, бу амалиётда қатор ноқулайликларни

келтириб чиқармоқда. Янги тахрирдаги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури янада изчиллик ва муваффақият билан ҳаётга жорий этиш имконини яратди.

Фракция йиғилишида Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдуғофур Мамадов қонун лойиҳаси юзасидан сўзга чиқди. У ўз маърузасида қонун лойиҳасига таълим тизимига дахлдор кўлаб масалалар ёритилган янги боб ва моддалар киритилганини, бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Амалдаги қонунда 34 та модда бўлиб, ундан таълим тизими бўйича айрим масалалар ўрин олмаганди. Янги тахрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун лойиҳасига эса қўшимча 19 та модда киритилиб, уларнинг жами сони 53 тани ташкил этмоқда. Айтайлик, янги моддаларнинг бирида “Таълим олувчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш” ҳақида сўз борган. Бу модда таълим олувчиларнинг саломатлигини ҳимоя қилибланган, бундан ўн йил аввал қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунни бирмунча такомиллаштиришни тақозо этаётди. Хусусан, амалдаги қонунда таълим жараёнини ташкил қилишга қўйилган талаблар, таълим-тарбия субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий кафолатлари, ўқувчи ва тарбияланувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш каби масалалар ўз аксини топмаган. Қолаверса, қонуннинг аксарият моддалари ҳавола қилиш ҳусу-сиятига эгаки, бу амалиётда қатор ноқулайликларни

К. АЛЛАЁРОВ

“NASAF”: ТЕЗИОРА ВА ЗАМОНАВИЙ

Янги йил арафасида Қашқадарё вилояти ахли унутилмас воқеага гувоҳ бўлишди. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси “Тошкент — Қарши” йўналиши бўйича қатновчи аввалги поезда “Тошкент — Қарши” йўналиши бўйича ҳаракатланадиган “Nasaf” тезиора поезди бир йўла 252 нафар йўловчига хизмат кўрсатади.

Истиқлол
шарофати

— Янги поезд мамлакатимиз пойтахти ва Қарши шаҳри ўртасидаги масофани 4 соатга қисқартирди, — дейди “Қарши—Термиз” минтақавий темир йўл узели шўъба қор-

хонаси раҳбари Ибодулло Арслонов. — Ваҳоланки, “Тошкент — Қарши”, “Қарши — Тошкент” йўналишлари бўйича қатновчи аввалги поезда “Тошкент — Қарши” йўналиши бўйича ҳаракатланадиган “Nasaf” тезиора поезди бир йўла 252 нафар йўловчига хизмат кўрсатади.

Янги поезд ҳозирда ҳафтасига 4 марта қатнайди, янги йилдан кейин ҳафтанин барча кунларида ҳаракатланиши йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Шавкат СУЛТОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

барча юртдошларимизни, партиядошларини
Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар 2007 йилда ўзига хос собитқадамлик ҳамда изчиллик билан давом этирилади. Жамиятимиз ҳаётида тўб янгиликлар ва ўзгаришлар кўзга ташланди. Айниқса, адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлида сиёсий партияларнинг ролини ошириш борасида амалга оширилган ишларнинг миқёси катта бўлди. Шу маънода, 2007 йил Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳаётида ҳам учмас из қолдирди. Партия мазкур йилда ўз дастурий гоаяларини тарғиб қилиб, электорат иқислиги ва фаоллигини таъминлади. Бу йил партияимиз учун чиниқши, тобланиш, сиёсат майдонида катта тажриба орттириш йили бўлди. Бу, ўз навбатида, бизни янги — 2008 йилда юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида янада фаоллик, ҳамжиҳатлик, фидойилик билан ишлашга ундайди. Азиз ватандошлар, Адолат эзгу мақсадлар йўлида доимий ҳамроҳингиз, мададкорингиз бўлсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

САМИМИЙ КҮТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими-га қайта сайланганингиз муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номидан қизгин муборакбод этаман. Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги аънаванавий ва дустона муносабатлар, кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, янада ривож топишига ишонаман.

Ўзбекистон халқига Сизнинг раҳнамолигинида мамлакатингизни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш йўлида янада улкан муваффақиятларга эришишини тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, муҳтарам Президент Жа-нобларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак масъу-лиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Нгуен Минь ЧИЕТ,
Вьетнам Социалистик Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сай-ланганингиз билан чин қўнгилдан табриклайман.

Сайловда голиб чиққанингиз сайловчиларнинг Сизга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси, Сизнинг давлат арбоби, тажрибали сиёсатчи ва олий инсоний фазилатла-рингизнинг тасдиғидир.

Ишончим комилки, Беларусь Республикаси ва Ўзбеки-стон Республикаси ўртасидаги аънаванавий дўстлик ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буюн ҳам янада кенгайиб бораверади.

Сизга, муҳтарам Ислам Абдуганиевич, мустаҳкам со-ғлиқ, барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишини, мамлака-тингиз халқига эса тинчлик, осойишталик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида голиб чиққанингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахту омад, қардош Ўзбекистон халқига эса янада юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозими-га қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга Ўзин-нинг самимий табрикларини йўллашдан мамнунман.

Сизнинг сайловда голиб чиққанингиз Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш ва гуллаб-яшнашига, минтақа мамлакатлари билан аънаванавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатингиз тўғрисида ҳамда ҳаётининг амалий тасдиғидир.

Ишончим комилки, бундан буюн ҳам Тожикистон Рес-публикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар янада изчил ва самарали ривож-ланиб, юқори босқичга кўтариларди.

Сизга, муҳтарам Ислам Абдуганиевич, сиҳат-саломат-лик, бахт-саодат, узоқ умр, қардош Ўзбекистон халқига раванк ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Имомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавози-мига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Сизнинг юксак ва масъулиятли дав-лат раҳбари лавозиминида изчил ва серкира фаолиятин-гиз Сиз бошлаган ислохотларни муваффақиятли давом эттириш ва Ўзбекистон халқининг буюк келажагини таъ-минлаш йўлида янги юксак марраларга эришиш имконини беради.

Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги аънаванавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буюн ҳам ривожланиб, янада мустаҳкамлашига, янги маъно-мазмун билан бойиб боришига ишонаман.

Сизга, муҳтарам Ислам Абдуганиевич, сиҳат-саломат-лик, улкан муваффақиятлар, бахт-саодат, қардош Ўзбеки-стон халқига эса тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Курманбек БАКИЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўз — халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ИСЛОХОТЛАР ДАВОМИЙЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)
Евгений ВОРСИН, Евроо-сиё иқтисодий ҳамжамияти Бош котибининг ўринбосари (Беларусь):

— Ўзбекистон иқтисодиёти жа-дал ривожланаётган мамлакат-дир. Унинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти таркибидagi фол иштироки юртингизда иқтисоди-ётни янада ривожлантиришга, мамлакатингизнинг халқаро инте-грация жараёнида изчил кириб боришига, кўплаб давлатлар би-лан ҳамкорлигини янада кенгай-тиришга хизмат қилмоқда.

Президент сайловида мазкур ҳамжамият вакили сифатида иш-тирок этиб, овоз бериш жараёни-ни бевосита кузатиб бордим ва ўзим борган сайлов участкалари-да иш юксак савияда ташкил этил-ганига гувоҳ бўлдим. Уларнинг барчасида сайловчилар учун яхши муҳит, қулай шароит яратилгани кўзини қувонтирди. Оддий ҳолдек кўринса-да, аслида бундай ишлар замирида инсон кадр-қимматини эъзозлаш, манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга бўлган юксак эътибор мўжасам.

Бир сайлов участкасида бўл-ганимда эллика яқин ўспирин гу-рра келиб овоз берди. Улар илк бор сайловда қатнашаётган ёшлар эди. Бир неча сайловчи билан су-батлашдим. Уларнинг барчаси ўз фи-рини эмин-эркин баён этиб, мил-лий сайлов қонунчилигини яхши билишини кўрсатди.

Сайлов ана шундай очик ва ошқора, демократик тамойил-ларга мос тарзда ўтди. Шу боис мен суҳбатлашган барча халқа-ро экспертлар, жумладан, Евро-падан келган кўплаб халқаро ку-затувчилар ҳам мазкур умумхалқ тадбири юксак савияда ташкил этилгани ва ўтказилганини эъти-роф этди.

Демосфенис БАРДЗОКАС, Афина миллий техника уни-верситети профессори:

— Мен кўплаб сайлов участ-каларида сайлов жараёнини ку-затишга муваффақ бўлдим. Бунда Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги, халқаро меъёрлар ҳамда демократик тамойилларга зид бирор ҳолатга кўзим тушма-ди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловда дастурларининг тар-ғибот-ташвиқот ишлари соғлом ва ҳалол рақобат асосида ўтди.

Номзодлар ва уларнинг ишонч-ли вакиллари турли ҳудудларда ва жойларда сайловчилар билан беш юздан зиёд учрашув ўтказ-гани, округ, участка сайлов ко-миссиялари аъзоларининг мала-ка ва кўникмасини янада оши-риш учун қатор семинар машгу-лотлари ташкил этилгани Ўзбе-кистон ҳаётидаги ушбу муҳим во-қеага пухта тайёргарлик қўрил-ганидан, сайловнинг очик, ошқора ва транспарент ўтганининг тас-диғидир.

Сайловчиларнинг сайлов уча-сткаларига эрта тонгданок кўта-

ринки кайфиятда келиб, фол овоз бергани бу жараёнинг мутлақо эр-кин кечганини аниқлатади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситала-ри вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар учун барча шароит ва имкониятларнинг яратилгани эъти-борга моликдир. Ваҳоланки, дунё-нинг айрим давлатларидаги сайлов амалиётида хориждан кузатувчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон халқи Президент сайловини халқаро нормалар ва ан-дозалар талабларига биноан ўтказ-иш билан ўз олдида қўйган юксак мақсадларига, қабул қилган Консти-туциясига, демократик жамият қуриш борасида амалга ошираёт-ган ислохотларига содиқлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намойиш қилди.

Айрим кузатувчиларнинг бу сай-лов жараёни ва натижаларига нис-батан ноҳолис муносабати уларнинг демократик тамойилларни ўз ман-фаатларига мос тарзда талқин эти-шидан бошқа нарса эмас.

Витторини ЖОРДЖИ, «Евроо-рист-Италия» Италия юрист-ушумаси аъзоси, адвокат:

— Ўзбекистонда Президент сай-лови куни мен Қарши шаҳридаги ўнта сайлов участкасида овоз бе-риш жараёнини диққат билан ку-затдим. Сайловчилар Президент-ликка номзодларнинг дастури ва сайловга оид қонунчиликдан етар-лича хабардор экани алоҳида эъти-борга лойиқдир. Сайловчилар ўз хо-ҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этди. Бирор сайловчи кимнинг-

дир тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбир-ларда, сайлов куни сайлов участ-каларида, овозларни санаб чиқиш-да Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентлигига номзодлар кўрсат-ган сиёсий партиялардан, сайлов-чилар ташаббускор гуруҳидан ку-затувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий мам-лакатлар, халқаро ташкилотлардан 23 мингдан ортиқ кузатувчи қат-нашгани унинг демократик тамой-илларга тўла амал қилинган ҳолда ўтказилганининг яққол далилидир.

Сайловнинг эълон қилинган да-стлабки натижаларига кўра, Ис-лом Каримов энг кўп — 88,1 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Бу — Ўзбекистон халқининг мамлакатин-гизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил да-вом эттириш, иқтисодиётини рив-ожлантириш ва аҳоли фаровон-лигини янада юксалтиришга доир йўлни давом эттириши қўлаб-қувватлашининг тасдиғидир.

Муҳаммад Талха МАҲМУД АРҲЯН, Покистон Ислам Рес-публикаси Сенати Ички ишлар кўмитаси раиси:


— Мен Ўзбекистон Республика-си Президенти сайлови жараёни-ни бир неча сайлов участкасида диққат билан кузатдим. Сайловнинг

тенглик, ошқоралик, холис ва адо-латли тарзда ўтганининг шахсан гу-воҳи бўлдим. Сайлов жараёни мил-лий қонунчилик, халқаро меъёрлар ва демократик тамойилларга тўла мос ўтказилгани эътиборлидир. Сайлов участкаларига одамларнинг эрта тонгданок фаоллик билан кўтаринки руҳ ва хуш кайфиятда келаётгани мени жуда ҳайратлан-тирди. Бу — одамларнинг ўз Бата-ни, унинг тақдирини ва истиқболни учун масъулиятни астойдил ҳис этишидан далолат.

Сайлов участкалари зарур жи-ҳозлар билан таъминлангани — овоз бериш кабиналари, сайлов varaқаларини ташлаш учун шаф-фоз қутилар ва бошқа жиҳазлар сайловчилар учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар си-расига қиради. Барча овоз берув-чилар Президентликка номзодлар-нинг дастури, сайловга оид бош-қа маълумотлардан етарлича ха-бардорлиги сайловга юксак дара-жада тайёргарлик қўрилганининг тасдиғидир.

Сайловчиларнинг кўпчилиги Ислам Каримов номзодини қўлаб-қувватлаб овоз бергани ҳамюртларинингизнинг жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, барча соҳалардаги изчил ислохот-ларнинг давом этишига, эл-юрти ва ўз келажагига қатъий ишонч-нинг амалдаги ифодасидир.

ЎЗА МУСБИРЛАРИ
Назакат УСМОНОВА,
Ҳолмурод САЛИМОВ,
Баҳор ХИДИРОВА
Эзиб олди



ҚОМУС, ЁШЛАР ВА КЕЛАЖАК

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, қадриятлари, заковати акс этган Конституциямиз, ўн беш йилдирки, тенглик, эркинлик, биродарлик, миллатлараро дўстлик, бирдамликдек умуминсоний қояларга хизмат қилиб келмоқда... Давлатимиз раҳбарининг 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллиги муносабати билан "Тожикистон" саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда сўзлаган маърузасини тинглаб туриб, энг аввал кўнглимдан шу ўйлар ўтди.

Дарвоқе, инсоннинг аж-ралмас табиий эркинликла-рига ҳурмат бажо келтириш — Бош Қомусимизнинг асо-сий ҳусусиятларидан бири. Унда, жумладан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъу-лиги алоҳида белгилаб қўйилган. Зотан, собиқ ту-зумда бундай фикрни ҳеч қим ҳаёлига ҳам келтира ол-мас, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фу-қаролар олдида масъули-гини эътироф этиш, юмшоқ-роқ айтганда, шаккоқлик ҳисобланарди. Ҳозир юрти-мизда ҳар бир шахс, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини муқаддас бўлиб, қўз қорачигидек ас-раб келинмоқда.

Конституциямизда, маъру-зада айтилганидек, оила, ота-оналар ва ўсиб келаёт-ган ёш авлодга, уларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчларига кенг ўрин берилган. Ватанимиз келажаги бўлиши ёшлар ма-саласи давлат, жамият аҳамиятига молик масала да-ражасига кўтарилган. Жум-ладан, 64-моддада: "Ота-

оналар ўз фарзандларини во-яга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдир-лар", дейилган.

Халқ манфаатларини ка-фолатловчи Бош Қомусимиз янги мустақил давлатлар конституцияларидан тубдан фарқ қилиб, давлат ва жа-мият ривожланишининг кей-инги йўналишини ҳам бел-гилаб берувчи дастурий ҳуж-жат эканлиги диққатга сазо-вор. У Қонунларнинг қонуни сифатида жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабат-ларни тартибга солиб қолмай, балки давлат ва жа-мият ривожланишида юзага келадиган муносабатлар асосларини ҳам белгилаб беради. Бу ўринда кўппар-тиявийлик, бозор муноса-батлари, ҳусусий мулкчилик-нинг вуқудга келиши билан боғлиқ шароитларни ёдга олиш кифоя.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда Кон-ституцияни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўта-рилган. Асосий Қонунимиз мактабгача таълим муасс-саларида, барча ўқув мас-канларида махсус дастур асосида ўрганилмоқда.

Тошкентдаги автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи-да ҳам Ўзбекистон Консти-туциясини ўрганишга, унинг мазмун-моҳиятини чуқур ўзлаштиришга катта эъти-бор бериб келинмоқда. Кол-леж ўқувчилари Бош Қому-симизни ўрганишда таълим-тарбиянинг турли ноъана-вий усул ва шакллари — дис-путлар, конференциялар, савол-жавоблардан кенг фойдаланишмоқда. Ўқув юр-тида "Конституция — бахти-миз қомуסי", "Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Конститу-ция билимдонлари" мавзу-ларида беллашувлар ўтказ-иб келинмоқда.

Шу нуктаи назардан, ай-ниқса, 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлди. Зеро, мамлакатимиз қиёфа-си ва ҳаётимиз маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислохот ва янги-лаш жараёнида замири-да, аввало, Конституциями-зининг принциплари ва талаблари ёрқин намоён бўлмоқда. Унинг асосида истиқлол йилларида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик қўйилди. На-вқирон авлодининг иқтидор-ли ва истеъдодли вакилла-рини қўлаб-қувватлаш мам-лакатимизда устувор маса-лага айланди. Энди ёшлар ҳам ўз ўрнида ана шу ғамхў-рликларга, эътиборга муно-сиб бўлишлари жоиз.

Шавкат ЕҲУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи Ахборот-ресурс маркази раҳбари

ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига ай-лансин. Барчаимизнинг истиғамиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга изчил қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунё-га намоён этсин, деган эди дав-латимиз раҳбари Ислам Каримов.

Мустақиллик майдонида қадам қўйган ҳар бир инсон қал-бида эзгу туйғулар жўш уради. Сенат қарарисидagi жозибадор фавворалар, йўллардаги бе-закли тошлар, тўрт фаслда ҳам гурқираб турувчи дарахт ва яшил майсалар киши баҳри ди-лини очади. Майдонда 2005 йили Президент Ислам Каримов та-шаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик мону-менти ўзининг улуғворлиги, қўрқу салобати билан давлати-мизнинг улкан куч-қудрати ва салохиятини ифодалаб туриб-ди. У халқимизнинг гурур-иф-тидорини юксалтиришга хизмат қилади. Монумент Ўзбекистон-нинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлиги ва фаровонлик йўлидаги эзгу ин-

тилишларини акс эттирган ноёб мажмуадир. У мамлакатимизда-ги тинчлик, барқарорлик, буюк келажаққа қатъий ишонч тим-солидир. Ушбу обида Прези-дентимиз Ислам Каримов ғояси асосида таниқли хайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан яратилган.

Майдонга кираверишда қад ростлаган Эзгулик аркаси тепа-сидан парвозга шайланган турна-лар, халқимизнинг қалбидек, ор-зуларидек оппоқ лайлақлар дил-ларда эзгу туйғулар уйғотади. Ушбу табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз, ав-валамбор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қо-лгани шубҳасиз. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланди.

Мамлакатимизда ўтадиган умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тан-танали маросимларда Муста-қиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйиш расмий тао-милга айланди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буоради-ган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли мақомдаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар

Монумент пойга гулчамбар қўйиш ҳам аънава тусини олди. Хорижий давлатларнинг юрти-мизда фаолият юритаётган элчи-хоналари раҳбарлари Ватанимиз Истиқлолнинг 16 йиллик байра-ми арафасида Мустақиллик ва эз-гулик монументи пойга гул қўйгани ҳам ушбу давлатларнинг миллий аънаваларимизга бўлган юксак ҳурмати белгисидир.

— Мустақиллик майдонининг тароватини таърифлашга сўз ожиз, — дейди Германия Феде-ратив Республикасининг Ўзбе-кистон Республикасидаги Фав-куллада ва мухтор элчиси Ма-тиас Майер. — Мазкур майдон ва ундаги Мустақиллик ва эзгу-лик монументи, бинолар ўзининг улуғворлиги, қўрқу салобати би-лан давлатининг улкан куч-қудрати ва салохиятини ифода-лайди. Улар халқининг гурур-ифтидорини юксалтириш-га хизмат қилади.

— Мустақиллик майдонининг ғўзаллиги ва бетакорлиги ҳар қандай кишини лол қолдиради, — дейди Миср Араб Республи-касининг Ўзбекистон Республи-касидаги Фавкуллада ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффо-фий. — Ям-яшил майдон ва ма-

ҳобатли бинолар кишида эзгу ҳислар ва ҳавас уйғотади. Бах-тиёр Она ва соғлом фарзанд хайкали — Мустақиллик ва эзгу-лик монументи мамлакатингиз-даги тинчлик, барқарорлик ва буюк келажаққа бўлган қатъий ишонч тимсолидир.

Жорий йилда илк марта Мус-тақиллик майдонида пойтахти-миздаги барча умумтаълим мак-таблари ўқувчилари учун бирин-чи дарс — Мустақиллик дарси ўтказилди. Зеро, билимлар ола-мига илк қадам, аввало, Ватан-ни, Истиқлол берган улугъ неъмат-ларини, бугунги саодатли кунла-рни ардоқлашдан бошланади. Янги ўқув йилидаги биринчи дарс учун айнан Мустақиллик майдон-ни танлашни замирида ўқувчи-лар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шаклланти-риш, уларни ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тахо-вузларга қарши собит тура олиш-га қодир, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тар-биялаш каби эзгу ғоя мўжасам.

Мустақиллик майдонидан хо-рижлик сайёҳларининг ҳам қада-ми узилабди. Мавридис Хрис-тос — улардан бири.

— Мен Грецияда туғилган бўлсам-да, илгари муайян пайт Тошкентда яшаган эдим, — дей-ди у. — Орадан йигирма беш йил ўтгач, Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келдим. Мамлакатин-гизнинг мустақиллик йиллари-да таниб бўлмас даражада ўзга-риб кетгани — чиройига чирой, қўрқига қўрқ қўйилганини қўриб қувондим. Бу ғўзал диверда амалга оширилган улкан бунёд-корлик ва ободонлаштириш иш-лари ҳар қандай сайёҳни ўзига мафтун этади. Айниқса, Мус-тақиллик майдонида бўлиб бер-ган ўзгаришлар — ранг-баранг гулзорлар, ғўзал фавворалар, Мустақиллик ва эзгулик мону-ментини ҳайрат билан кўздан кечирар экманан, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига амин бўлдим.

Ха, мамлакатимизнинг бош майдонидagi ушбу монумент авлодларга юртимизнинг бой ўтмиши, бугунги саодатли кун-лария буюк истиқболга ҳақида ҳикоя қилади.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА МУСБИРЛАРИ

ЯНГИ АКЦИЯ ЎТКАЗИЛАДИ

Ҳўжайли туман маданият са-ройида "Шу азиз Ватан барча-мизники!" деб номланган номли акция ўтказилди.

Тадбир "Адолат" социал-де-мократик партияси туман Кенга-ши ҳамда "Қамолот" ёшлар иж-тимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан ташкил қилиниб, унга прокуратура ва ички ишлар бўли-ми ходимлари тақлиф этилди.

— Тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад, — дейди "Адолат" СДП туман Кенгаши ко-тиби М.Қутлимуродов, — терро-ризм, диний экстремизм ва ғиёҳ-

вандлик иллатларининг олдини олиш, ёшларни ҳар томонлама барқамол, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашдан иборат.

Тадбир давомида "Ўз уйингни ўзининг асра!" номли суратлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Шунингдек, тумандаги мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшлари томонидан тайёрланган аjoyиб куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача шўхуқ бағишланди.

Акцияда фаол қатнашган ёшлар "Адолат" СДП туман Кен-гашининг фахрий ёрликларни би-лан тақдирланди.

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Ҳазорасп туман партия Кен-гаши ташаббуси билан туманда-ги Иқтисодиёт касб-хунар колле-жида "Ёшлар - бизнинг келажа-гимиз" деб номланган тадбир ўтказилди. 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб номлангани истиқлол-нинг дастлабки йиллариданоқ ҳукуматимиз томонидан ёш ав-лод

“САМАРҚАНД ПАХТА САНОАТ” ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, соҳа ходимларини,
уста деҳқону миришкор боғбонларни
Янги йил билан чин қалбдан муборакбод этади.

Ўтаётган йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги
соҳасида юксалиш йили бўлди. Ислохотлар ўз самарасини
бериб, юртимиз хирмонлари кўкка бўй чўзди.

Тилагимиз – яқинлашиб келаётган
Янги йил ҳам омадли, барокатли келсин!

Ёшлар йили барчамизга
кутлуғ бўлсин, азизлар!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АТБ “ПАХТАБАНК” ЖАМОАСИ

бўтун Ўзбекистон халқини қариб келаётган
2008 йил – Ёшлар йили билан
самимий қутлайди.

Янги йил ҳар бир ватандашнинг
хонадонига қут-барока, янги омад,
янги бахт олиб келсин.

Янги йилнинг муборак бўлсин,
муҳтарам юрtdошлар!

“ХИВА АГРО ҚУРИЛИШ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ МЕХНАТ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, соҳа
ходимларини Янги йил байрами
билан чин қалбдан табриклайди.

Азиз юртдошлар, жонажон
Ватанамиз равнақи йўлидаги
барча саъй-ҳаракатларингиз
ҳамиша бароридан келсин.
Оилангиз тинч-хотиржам, юрtdамиз
фаровон, файзу барокотли бўлсин.

2008
2008

Премьера

«СИРЛИ ҚОП»

Янги йил арафасида Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик асари асосида сахналаштирилган «Сирли қоп» эртак спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Болажонларнинг қишки таътил кунларини янада мароқли ўтказиш мақсадида намойиш этилаётган мазкур сахна асарида Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз, Бўри, Тулки сингари эртак қаҳрамонлари тимсолида эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, меҳрмуруват, софдиллик каби инсоний фазилатларнинг устуворлиги акс эттирилган.

Спектакль режиссёри — Умид Норматов. Асосий ролларни Бахтиёр Эшматов, Бахтиёр Холматов, Аида Айимбетова сингари санъаткорлар ихро этмоқдалар.

У.З.А.

ЗАРГА ЙЎҒРИЛГАН ГЎЗАЛЛИК

Зардўзлик — зар илларда гул-нақш тиқиш халқимизнинг қадим замонлардан давом этиб келаётган хунари бўлиб, асрлар мобайнида шаклланган, сайқал топиб ривожланган.

Археологик топилмаларга кўра, Марказий Осиёда зарбоф кийимлар ва безакли бадий буюмлар эрамининг I-II асрларида ҳам ишлатилган экан. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндстон сафарномаси»да ёзилишича, Шоҳрух ҳукмронлиги (1409-1447 йиллар) даврида элчиларнинг совғалари орасида зардўзи кийимлар ҳам бўлган. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабздаги зардўзлик устaxonаларида сифатли, нафис буюмлар тўқилган, тикилган.

XIX асрнинг 80-90 йилларида Бухорода зардўзлик хунари кенг қулоч ёйган. Бу даврда шаҳардаги устaxonаларда зар тўн, дўппи, белбоғ, салла, пойабзаллар, ковуш, зархуржун, заржабдуқ, зархамён тайёрланган. Урта асрлардаёқ Осиё ва Европадан

ташриф буюрган савдогар ва сайёҳларни зардўзларнинг бетакрор маҳорати ҳайратлантирган. Чунинчи, XV асрда Самарқандга келган испан элчиси Клавихо соҳибқирон Амир Темури қўшоналарини кўздан кечириб, зардўзларнинг чевар қўллари билан тайёрланган ва қўшоналарни безаб турган сон-саноксиз зар буюмлардан завқланган. Бухоронинг зарбоф тўнлари ўша даврларда ҳам Шарқда маълум ва машҳур бўлган. Бу хунаримандчилик маҳсулотларини қўллаб қўшни давлатларга сотувга ҳам чиқарилган.

Бугунги кунда республикамизнинг барча туманларида зардўзлик санъати янги-ча шакл ва мазмунда ривож топиб бораётди. Айниқса, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бу хунари



соҳиблари кўп. Самарқанднинг Регистонда жойлашган зардўзлик устaxonасида бу гўзал хунари Шахло Иноятова, Саодат ҳамда Холлида Нуриддинова сингари чеварлар зўр маҳорат билан давом эттирмоқдалар.

Р.БОЙТИЛЛАЕВ

АРЧА АТРОФИДА...

Янги йил тимсолига айланган бу дилтортар анъана қачон ва қаерда пайдо бўлган?



Янги йил байрамини безатилган арчасиз тасаввур тиқиш қийин. Байрам тимсолига айланган бу дилтортар анъана қачон ва қаерда пайдо бўлгани кизиқ, албатта.

Илк бор байрам арчаси Рейн қирғоғида тикланган. Ўша вақтларда Мавлуд айёмига «Мавлуд дарахти» ўрнатилса-да, янги йил

оилавий байрам сифатида кенг нишонланмаган. Қизғиш шундаки, кесиб келтирилган арча дарахти шифтга осилган, баъзан эса тепаси пастга қаратиб қўйилган ва шохлари ҳар хил мевалар билан безатилган. Байрам якунида болалар бу меваларни териб олишган.

XVIII асрга келиб янги йил арчаси ҳозиргидек тарзда безатилган. Илк бор Олмонияда безатилган катта арчалар йирик шаҳарларнинг марказий майдонларида ўрнатили бошланган.

Қадимда янги йил оқшомида арча ўрнатиш жамиятнинг юқори табақаларига хос одат бўлган. Масалан, Англияда арчани илк марта 1760 йили Георгий III рафиқаси шарафига безатган. 1840 йили Виндзор шаҳрида қиролча Викториа ва турмуш ўртоғи Альберт

Кобурский болалар учун биринчи арча байрамини уюштиришган. 1840 - йилларда арчани безатиш анъанаси Россияга кириб келган бўлса, бу русум Америкага олмон мухожирлари томонидан тарқатилган. Кейинчалик янги йил арчасини безаш муслмон мамлакатларига ҳам ёйилди. Илк бор Техрон ва Марокаш шаҳарларида янги йилга атаб арча ўрнатилди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин Туркияда ҳам арча безатишган, лекин бу одат кейинчалик ўрмонларни сақлаб қолиш мақсадида тақиқланган.

Шу ўринда, нега янги йил байрами учун айнан арча танланган, деган савол туғилади. Қадимда халқлар арчанинг ўткир найзалари ялмоғизлар ва бошқа ёвуз кучларни байрам даврасига яқинлаштирмайди, деб ишонишган. Арча гўмбаклари, қишу ёз ям-яшил шохларига илинган ширин мевалар кишилар тасаввурида «жаннат дарахти»дек гавдаланган.

Ф. ЭСОНОВ тайёрлади.

«ЖАНОБ ҚИШ» ВА ҚОРБОБО

Оппоқ соқоли қўксига тушган, эгнига бўйи барабар қизил пўстин кийган, икки ёноғи қип-қизил чол — Қорбобонинг ёши пайдо бўлганига қизиқтириши тайин. Кириб келадиган янги йилнинг бу тимсоли, айрим фикрларга қараганда, 140 ёшда, бошқалар эса унга икки минг йил беришади. Аслида-чи?

Тимсол сифатида, Қорбобонинг «ёши» икки минг йилга тенг. Қадим замонларда шимолда яшайдиган элу элатлар Қишнинг қаҳри юмшармикан, деган умидда қулбалари ашиғи олдиға нон, гўшт қўйишган. Шундай қилсақ, қаҳратон совуқлар бўлмайди, изғирин ов қўлишимизга ҳалал бермайди, экин-тикин зиён кўрмайди, деб ишонишган.

Эндиликда бизга ҳам жуда яхши таниш бўлиб қолган — оқ соқолли, қизил пўстинли, ёноқлари алвонранг Қорбобо қиёфаси пайдо бўлганига эса 140 йил бўлган. Бу қиёфани олмонийлик мусаввир Морис фон Швиндт яратган. Ўша пайтда мусаввир Венада яшаган эса унга икки композитор Моцартнинг «Фигаронинг тўйи» операсига безаклар чизган.

Мусаввир «Жаноб қиш», бугунги тушунчамизда айтсак, «Қорбобо» тасвири яратилган зиммасига олган. Қорбобони у дастлаб мўйна ёқали узун пўстинда, арчани қўлтиқлаб келётган ҳолатда тасвирлаган. Ана шу сурат асос бўлиб, бугун бизга таниш Қорбобо тимсоли юзага келган.

Биласизми?

ҲИКМАТ

Букрот Ҳакимдан сўрадилар:

— Ҳамма нарсадан олий ва юқори нарсаним?

— Инсондаги Ҳиммат!

— жавоб берди у.

Яна сўрадилар:

— Ҳеч қачон вайрон бўлмайдиган бино қайси бино?

— Адолат биноси! — жавоб берди у.

Одатларимиз

ОСТОНАДА САЛОМЛАШИБ БЎЛМАЙДИ

* Пичоқ ерга беихтиёр тушиб кетса, уйга эркак киши келади.

* Иссиқ чой тўқилиб кетса — меҳрибон ва сеvimли кишингиз, дўстингиз, совуқ чой тўқилса — душманингиз, ёқтирмаган одамнингиз келиб қолиши мумкин.

* Чап қўлингиз кафти қичиса пул кетиши, ўнги қичиса пул келиши мумкин.

* Уйдан чиқганингиздан сўнг, бирор нарсанингизни ёддан чиқариб орқага қайтсангиз, ишингиз кун бўли чаппасига кетади.

* Янги олган қўйлақ, мато, жиҳоз, маҳсулотлардан биринчи бўлиб ўзингиз фойдаланишингиз керак.

* Чой дамлаганингиздан сўнг уч марта қайтариб, кейин энг аввало ўзингизга қуйишингиз шарт.

* Остонада саломлашиб бўлмайди.

* Бировнинг ҳовлисида тирноқ олинмайди.

* Супургини, гармдорини қўлга бериб бўлмайди, оёққа тегиб кетса, унинг учидан бир-икитаси синдириб ташланади.

* Туш кўрсангиз уни аввало сувга, ойнага, сўнгра бировга айтинг.

* Ҳар тонг уйғонганингизда ўнг томондан турунг, чап томондан туриш феълингизнинг айнашига олиб келади.

* Дастурхондаги нон бўлаклари ўзингиз сезмаган ҳолда қия туриб қолса, уйингизга меҳмон келади.

* Боласиз бешикни тебратиб бўлмайди.

* Туғилмаган боллага исм қўйилмайди.

* Бешикни икки киши кўтармайди.

(Ерқин Абдуллаевнинг «Қизқарли статистика» китобидан).

Қилмиш

ҚОНУНГА МОС ФАОЛИЯТ БЎЛСА...

Амалдаги қонунчиликда жисмоний шахслар томонидан республикамизга товарлар олиб келишининг муайян тартиб-қоидалари белгилаб берилган. Лекин айрим фуқаролар томонидан қонун талабларига зид равишда республикамиз ҳудудига сифатсиз товар маҳсулотларини олиб кириш ҳолатлари учраб турибди.

Оҳангарон туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳудуддаги «Бескостина» ва «Чинор» ДАН масканла-

рида рейд текширувлари ўтказилди. Текширувларда 33 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 23 нафар сохта тадбиркор маъмурий жавобгарликка тортилди, 11021,0 минг сўмлик товар моддий бойликлари вақтинчалик далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, суд қарори асосида 6980,3 минг сўм миқдоридagi товар моддий бойликлар мусодара қилинди. Мусодара қилинган товарларнинг 6550,2 минг сўмлиги махсус дўконларда

сотилиб, 4716,1 минг сўми бюджетга, 589,5 минг сўми махсус фондга, 655,0 минг сўми савдо идорасига, 589,5 минг сўми эса Суд департаменти ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди.

Қонун барчага баробар, унга амал қилиш ҳар бир фуқароннинг бурчи ва вазифасидир. Қонун талаблари асосида фаолият юритган киши эса ҳеч қачон қўқилмайди.

З.САЙФИДИНОВ,
Оҳангарон туман ДСИ инспектори

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Икбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Муҳаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Қамол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Махсус: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

АДОЛАТ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

«Адолат» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

ИХТИЁРИЙ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий равишда тугатиш тартиби қандай? Бу жараёнда у ёки бу ташкилот, муассасага қайси ҳужжатлар тақдим этилади?

Э.Азимов

Гулистон шаҳри

Шу йилнинг 1 июлидан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Бунда тугатиш тартиби ва муддатлари молия-ҳўжалик фаолиятини юритиб турган корхоналар, давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бери фаолият юритмаётган ташкилотлар ҳамда

якка тартибда фаолият юритувчилар учун алоҳида-алоҳида қилиб белгиланган. Аммо, ҳар уч ҳолатда ҳам ҳўжалик юритувчи субъект тугатиш ҳақида қарор қабул қилганидан сўнг, бир кундан кечикмай, бу ҳақда уларни рўйхатдан ўтказган идорага хабар қилиши лозим.

Ишлаб турган корхона ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарор нусхаси, шунингдек, тегишли банкка ушбу қарор, имзолар намуналари ва тугатувчининг муҳрини босма изи қўйилган, нотариал тасдиқланган қарорчаларнинг икки нусхасини тақдим этади. Қолаверса, бу жараёнда корхонанинг миллий валютадаги иккинчи депозит

ҳисоб рақами, жамғарма депозит ҳамда муддатли депозит ҳисоб рақамларини ёпиш, маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий

ҳисоб рақамига ўтказиш ҳақидаги ариза-топишиқнома маси банк муассасаларига берилади.

Фаолият юритмаган корхона бу ҳақдаги маълумотномани илова қилган ҳолда, рўйхатга олган идорага ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорини тақдим этиши шарт. Бундан ташқари, тегишли банкка ушбу қарор нусхаси, имзолар намуналари, тугатувчининг муҳри изи қўйилган, нотариус тасдиқлаган қарорчаларнинг икки нусхасини топширади. Якка тартибда фаолият юритувчи жисмоний шахс эса фаолиятини ихтиёрий тугатиш ҳақидаги аризасига ДСининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани қўшиб тақдим қилади. Шунингдек, тадбиркор муҳр ва тамгаларини (агар улар мавжуд бўлса), лицензиясининг асл нусхасини, давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақида гувоҳномани, ҳисоб рақами ёпилиши ҳақидаги банк маълумотномасини ҳам берилади.

Тилга олиб ўтилган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир неча оммавий ахборот воситаларида ўз фаолиятини тўхтатаётгани ҳақида эълон беришлари шарт.

Саволингизга Бўстонлиқ туман ДСИ бош инспектори Г.ЖУМАНОВ жавоб берди.

КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН ГАЗ
ТАЪМИНОТ ФАЙДАЛИ
ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини,
соҳа ходимларини
Янги йил байрами билан
муборакбод этади.

Янги, 2008 йил - Ёшлар йили
барчамизга шодлик, бахт,
иқбол олиб келсин.
Дастурхонимиз тўқин,
бахтимиз бутун бўлсин!

АЙЁМИНГИЗ

муборак!